

**АКАДЕМИК Ш. АЛИМОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023. Tib.160.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
АКАДЕМИК Ш. АЛИМОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АБДИСАМАДОВ АКМАЛЖОН АХМАТЖОНОВИЧ

**КЎЗНИНГ СИЛ БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИДА ДИАГНОСТИК
ЁНДАШУВЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.26 – Фтизиатрия
14.00.08– Офталмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Тиббиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии медицинских наук (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy of medicine (PhD)

Абдисамадов Акмалжон Ахматжонович

Кўзнинг сил билан зарарланишида диагностик ёндашувларни
оптималлаштириш 3

Абдисамадов Акмалжон Ахматжонович

Оптимизация подходов в диагностике туберкулёзного поражения
глаз..... 27

Abdisamadov Akmaljon Akhmatjonovich

Optimization of approaches in the diagnosis of tuberculous eye damage
..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**АКАДЕМИК Ш. АЛИМОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.160.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
АКАДЕМИК Ш. АЛИМОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АБДИСАМАДОВ АКМАЛЖОН АХМАТЖОНОВИЧ

**КЎЗНИНГ СИЛ БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИДА ДИАГНОСТИК
ЁНДАШУВЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.26 – Фтизиатрия
14.00.08– Офталмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Tib785 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Академик Ш. Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-сайтида (www.tbcenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Мухтаров Давронбек Зухурович тиббиёт фанлари доктори

Касимова Мунираҳон Садикжановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тошпулатова Фотима Қудратовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Зокирходжаев Рустам Асралович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси 2025 й. «___» _____ да соат ___ да академик Ш. Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий даражалар бериш бўйича DSc.04/01.04.2023Tib.160.01 рақамли Илмий Кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри., Шайхонтоҳур тумани, Мажлисий кўчаси, 1. Тел.: (+99871) 278-04-70, Факс: (+99871) 278-04-70; e-mail: tbcenter.uz@mail.ru).

Диссертация билан академик Ш. Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ - сон билан рўйхатдан ўтказилган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Мажлисий кўчаси, 1. тел: (+99871) 278-04-70.

Диссертация автореферати «___» _____ 2025 йилда тарқатилди.
(2025 йил “___” _____ даги _____ -сонли реестр баённомаси).

Н.Н. Парпиева

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э.А. Абдуғаниева

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.С. Содиқов

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда туберкулёз энг кенг тарқалган инфекциялардан биридир: ЖССТ (Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти) нинг туберкулёзга қарши кураш бўйича сўнги ҳисоботида «... 2024 йил туберкулёз билан касалланганларнинг умумий сони тахминан 10,8 миллиондан ошган. Бу дегани дунё аҳолисининг учдан бир қисми туберкулёз билан касалланади. 15% ҳолатда туберкулёз ўпкадан ташқари аъзоларда фаол шаклда намоён бўлади, шулардан кўз туберкулёзи ҳам аҳамиятга эга ...»¹. Кўз туберкулёзи ўпкадан ташқари аъзолар туберкулёз касаллиги бўлиб, жараён узоқ вақт давом этувчи, тез-тез такрорланадиган, турли хил клиник кўринишларга эга, кўриш функцияларинг пасайиши ва узок муддатли меҳнат қобилиятини йўқотиши билан тавсифланади. Айтиш мумкинки, кўз туберкулёзи профилактикаси, диагностикаси ва даволашда комплекс ёндашувни талаб қиладиган энг долзарб соғлиқни сақлаш муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Замонавий тиббиётда туберкулёз касаллиги, шу жумладан унинг кўз тузилмаларига таъсири, муҳим тадқиқот йўналишларидан бири ҳисобланади. Кўз туберкулёзи клиник хусусиятлари, патогенези ва диагностика мезонларини такомиллаштириш замонавий фтизиатрия ва офтальмологияда долзарб йўналишлардан бирига айланган. Бу борада, кўз тўқималаридаги морфологик ўзгаришларни, иммунологик реакцияларни, шунингдек, генетик ва ирсий омилларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Кўз туберкулёзининг ривожланиш механизмларини аниқлаш ва унинг ташхиси учун янги усулларни ишлаб чиқиш, туберкулёз касаллиги билан боғлиқ кўз муаммоларининг олдини олиш ва самарали даволаш чораларини белгилаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Кўз туберкулёзини аниқлашга комплекс ёндашув орқали эрта ташхис қўйиш усулларини оптималлаштириш муҳим илмий-амалий йўналишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда юқумли касалликларнинг тарқалишини олдини олишга устувор аҳамият берилмоқда. Бу борада “...аҳолига тиббий ёрдам сифати, улардан фойдаланиш имкониятлари ва самарадорлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касалликларнинг барвақт олдини олиш, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш ва тиббий ёрдам кўрсатишнинг юқори технологияли моделларини яратиш...” бўйича вазифалар белгиланди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш фтизиатр ва офтальмологлардан ногиронликни камайтириш, аҳолининг ҳаёт сифати ва тиббий ёрдам самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»², 2021 йил 28 июлдаги ПФ-5199-сон «Соғлиқни

¹ ЖССТнинг туберкулёзга қарши глобал кураш бўйича ҳисоботи 2024 йил 29 октябр

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2023 йил 20 январдаги ПҚ-12-сон «2023-2026 йилларда фтизиатрия ва пульмонология хизматини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Дунёда офтальмологлар орасида кўз туберкулёзини ташхислаш ва даволашнинг стандартлаштирилган усулларига, жумладан, халқаро кўз туберкулёзини ҳамкорликда ўрганиш бўйича тавсияларга (Agrawal R, Testi I, Mahajan S, et al. 2021) қизиқиш ортиб бораётган глобал тенденция мавжуд. 1997-йилда ўтказилган тадқиқотда, тасодифий танлаб олинган туберкулёзга чалинган 100 нафар испан беморларининг 18 %ида кўз туберкулёзи аниқланди (Bouza E, Merino P, Muñoz P, et al. 1997). 1996-йилдан 2001- йилгача Шимолий Ҳиндистонда увеит аниқланган беморларнинг 9,86 %ида касалликка туберкулёз сабаб бўлган (Singh R, Gupta V, Gupta A, et al. 2004). 1998-йилдан 2000-йилгача Японияда 126 нафар увеитга чалинган беморлар проспектив таҳлили шуни кўрсатдики, беморларнинг 7,9%ида увеитга кўз ичи туберкулёзи сабаб бўлган (Morimura Y, Okada AA, Kawahara S, et al. 2002).

Кўз туберкулёзи културал ёки молекуляр ташхислаш тестлари билан камдан-кам ҳолларда аниқланади. Ташхис одатда офтальмологик маълумотларга, шунингдек *Mycobacterium tuberculosis* инфекциясининг бошқа белгиларига ва туберкулёзга қарши терапияга нисбатан жавобга асосланади (Ang M, Sharma K, et al. 2018). Ўпкадан ташқари туберкулёзнинг клиник кўринишларидан бири сифатида кўз туберкулёзини аниқлаш муҳим роль ўйнайди, чунки эрта ташхис ўз вақтида даволашни бошлаш ва беморнинг соғлиғи учун жиддий оқибатларга олиб келмаслик имконини беради (Kon OM, Beare N, Connell D, et al. 2022).

Россияда кўз ва орбитанинг туберкулёзи ўпкадан ташқари аъзолар туберкулёзи орасида 3-ўринни эгаллайди. Кўриш органининг яллиғланиш касалликлари таркибида кўз туберкулёзининг частотаси, турли муаллифларнинг фикрига кўра, 23% дан 47% гача ҳисобланади (Устинова Э.И., 2019; Тарасова Л.Н., ва бошқ. 2020). Бугунги кунда 85% дан ортик ҳолларда кўриш аъзолари туберкулёзи асоратли босқичларда ташхисланади (Устинова Э.И., 2022).

Ўзбекистон Республикасида ўпкадан ташқари туберкулёзнинг умумий улуши 10,1% дан 10,6% гачани, вилоятлар кесимида эса бу кўрсаткич 5,0% дан 20,8% гачани ташкил этади (Парпиева Н.Н., 2022; Назиров П.Х., 2000; Хақимов М.А., 2021). Кўз туберкулёзи ўпкадан ташқари туберкулёз орасида

тўртинчи ўринни эгаллайди. Унинг улуши 2,4% дан 5,0% гача бўлиб, жараён мураккаб ва кўп қиррали олигобациляр кўриниш билан намоён бўлади. Бироқ, кўз туберкулёзининг диагностикасига етарлича эътибор берилмайди (Назирова П.Х., 2021).

Бугунги кунга қадар кўз туберкулёзини эрта ва дифференциал ташхислаш масалалари тўлиқ ҳал этилмаган. Кечиктирилган ташхис кўпинча беморнинг доимий ногиронлигига ва кўриш қобилиятини пасайишига олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, кўз туберкулёзини эрта аниқлаш мақсадида ташхислашга қаратилган тадқиқотлар фтизиатрия ва офтальмология соҳасида соғлиқни сақлашнинг долзарб ва устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Кўз туберкулёзини аниқлашга комплекс ёндашув орқали эрта ташхис қўйиш усуллари оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ретроспектив ўрганишлар ёрдамида ўпкадан ташқари туберкулёз касалликлари ичида кўз туберкулёзининг характери ва учраш частотасини аниқлаш;

Патологик материалларнинг гистологик маълумотларини таҳлил қилиш натижасида кўз туберкулёзини аниқлаш;

Кўз туберкулёзининг бошқа аъзо ва тизимларнинг туберкулёзи билан комбинациясини учраш частотасини аниқлаш;

Кўз туберкулёзини ташхислаш усуллари самарадорлигини таҳлил қилиш ва хавф омилларини аниқлаш;

Кўз туберкулёзини эрта аниқлаш учун алгоритм ва ташхислаш электрон дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ш. Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази ўпкадан ташқари аъзолар жарроҳлик бўлимида стационар даволанишда 2012-йилдан 2021-йилгача бўлган, кўз туберкулёзига чалинган 130 бемор (180 кўз), ҳамда 15 нафар (15 кўз) гистологик усул билан тасдиқланган бемор ва назорат гуруҳини ташкил этувчи 30 та соғлом инсон (60 кўз) олинган.

Тадқиқотнинг предмети кўриш ўткирлигини баҳолаш, биомикроскопик текширувлар, шунингдек умумий клиник ва лаборатория таҳлиллар, молекуляр-генетик ва иммунологик таҳлиллар натижаси олинган.

Тадқиқотнинг усуллари Илмий тадқиқот давомида визиометрик, биомикроскопик, офтальмоскопик, молекуляр-генетик ва иммунологик текширув усуллари, шунингдек инструментал, биокимёвий ва лаборатория таҳлилларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўз туберкулёзи кўз энуклеациясидан кейин гистологик верификацияланишда аниқланиши, бу эса офтальмологик ташхислаш жараёнидаги хусусиятлар туфайли аъзонинг чегараланган зарарланишларини эрта аниқлаш частотаси пастлиги асосланган;

кўрув аъзоларининг туберкулёзида мультифокал зарарланиши қайд қилиниб, шох пардада, увеал ўзанда инфекция агент билан контактнинг ҳамда таъсирчанликнинг юқорилиги сабабли, касалланишнинг устунлик қилиши исботланган;

кўзнинг туберкулёздан зарарланишида бошқа аъзоларнинг туберкулёз билан зарарланиши ва кўп ҳолларда туберкулёзнинг ҳаво-томчи йўли орқали юқиши сабабли, ўпка туберкулёзи билан учраш эҳтимоллиги юқорилиги асосланган;

кўз туберкулёзини эрта босқичларда ташхислашда комплекс тартибда кўз ёшининг молекуляр-генетик текширувидан олинган натижа юқори диагностик аҳамиятлилиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Кўз туберкулёзига чалинганлик эҳтимоли юқори бўлган беморларни саралаш ва дифференциал диагноз қўйишни осонлаштириш прогнози мезонлари ишлаб чиқилган.

Кўз туберкулёзини эрта аниқлаш ва асоратли ҳолатларни олдини олиш мақсадида диагностик усулларни такомиллаштириш ва комплекс ёндашиш ишлаб чиқилган.

Кўз туберкулёзининг бошқа туберкулёз шакллари билан кечишини аниқлаш, даволаш самарадорлигини оширишга ва беморларнинг ҳаёт сифатига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган.

Кўз туберкулёзини бирламчи тизимда эрта аниқлаш дастурини қўллаш орқали, аҳоли орасида кўз туберкулёзининг тарқалишини камайтириш ва касалликнинг салбий оқибатларини олдини олиш муҳимлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган замонавий усул ва ёндашувларнинг мувофиқлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан мувофиқлиги, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий асослилиги, беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотларда замонавий ва статистик усуллардан фойдаланганлик, олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти - кўз туберкулёзи ташхиси қўйилган беморларни кузатиш ва таҳлил қилиш орқали диагноз усулларини такомиллаштиришга қаратилган, ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялардан фойдаланиш, кўз туберкулёзи диагнозининг комплекс усуллари бўйича илмий билимларни тўлдириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти - кўз туберкулёзини клиник амалиётга жорий этилган ташхислаш алгоритми орқали самарасиз ташхислаш усулларидадан воз кечиш имконини беради, бу касалликни эрта аниқлаш,

мақсадли даволаш тактикасига амал қилиш ва асоратларни камайтириш, ҳамда беморларнинг иқтисодий харажатларининг камайиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Кўз туберкулёзи ташхиси ва даволаш усуллари такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижаларга асосланиб:

биринчи илмий янгилик: кўз туберкулёзи кўз энуклеациясидан кейин гистологик верификацияланишда аниқланиши, бу эса офтальмологик ташхислаш жараёнидаги хусусиятлар туфайли аъзонинг чегараланган зарарланишларини эрта аниқлаш частотаси пастлиги асосланганлиги 2023-йил 26-октябрдаги 3/5-сонли РИФ ва ПИАТМ илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлими томонидан тасдиқланган “Кўз туберкулёзини аниқлашнинг диагностик алгоритмини ишлаб чиқиш” услубий тавсияларига киритилган. Ушбу таклиф Тошкент вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази фаолиятига 2024-йил 12-февралдаги 20-сон буйруқ ва Наманган вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази фаолиятига 2023-йил 15-ноябрдаги 49-сон буйруқ билан жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашнинг 2025-йил 15-январдаги 11/63 – сонли йиғилиш баённомасига асосан Илмий – тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиқ қилиш бўйича хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: кўз туберкулёзини эрта аниқлаш ва даволашдан иборат бўлиб, бу касалликни аниқлаш учун тавсия этилган дастурларнинг самарадорлигини оширади. Иқтисодий самарадорлиги: туберкулёз билан оғриган беморларда кўз туберкулёзи эрта аниқланади ва ҳар бир бемор даволанишида 7700000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади.

иккинчи илмий янгилик: кўрув аъзоларининг туберкулёзида мультифокал зарарланиши қайд қилиниб, шох пардада, увеал ўзанда инфекцион агент билан контактнинг ҳамда таъсирчанликнинг юқорилиги сабабли, касалланишнинг устунлик қилиши исботланганлиги РИФ ва ПИАТМ илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлими томонидан 2023-йил 26- октябрдаги 3/5-сонли “Кўз туберкулёзини аниқлашнинг диагностик алгоритмини ишлаб чиқиш” услубий тавсияларига киритилган. Ушбу таклиф Тошкент вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази фаолиятига 2024-йил 12-февралдаги 20-сон буйруқ ва Наманган вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази фаолиятига 2023-йил 15-ноябрдаги 49-сон буйруқ билан жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашнинг 2025-йил 15-январдаги 11/63 – сонли йиғилиш баённомасига асосан Илмий – тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиқ қилиш бўйича хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: кўз туберкулёзини эрта аниқлаш ва даволашдан иборат бўлиб, бу кўз туберкулёзини аниқлаш бўйича таклиф этилаётган дастурлар самарадорлигини оширади. Иқтисодий самарадорлиги: кўз туберкулёзини эрта ташхислаш билан касалланган беморларни даволаш харажатларини 2,2 бараварга (касалликка ўз вақтида ташхис қўйилиб даволаш натижасида, одатда сарфланадиган 26664000 сўмлик харажатнинг, 12120000 сўмгача камайишига эришилади) иқтисод қилинади.

учинчи илмий янгилик: кўзнинг туберкулёздан зарарланишида бошқа аъзоларнинг туберкулёз билан зарарланиши ва кўп ҳолларда туберкулёзнинг ҳаво-томчи йўли орқали юқиши сабабли, ўпка туберкулёзи билан учраш эҳтимоллиги юқорилиги асосланганлиги 2023-йил 26-октябрдаги 3/5-сонли РИФ ва ПИАТМ илмий фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими томонидан тасдиқланган “Кўз туберкулёзини аниқлашнинг диагностик алгоритмини ишлаб чиқиш” услубий тавсиялари асосини ташкил этди. Ушбу таклиф Тошкент вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази фаолиятига 2024-йил 12-февралдаги 20-сон буйруқ ва Наманган вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази фаолиятига 2023-йил 15-ноябрдаги 49-сон буйруқ билан жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашнинг 2025-йил 15-январдаги 11/63 – сонли йиғилиш баённомасига асосан Илмий – тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиқ қилиш бўйича хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: кўз туберкулёзини эрта аниқлаш ва даволашдан иборат бўлиб, бу таклиф қилинган кўз туберкулёзини аниқлаш дастурларининг самарадорлигини оширади. Иқтисодий самарадорлиги: сил касаллиги билан оғриган беморларда кўз туберкулёзини эрта ташхислашда ҳар бир бемор учун 7700000 сўм тежашга имкон берди.

Тўртинчи илмий янгилик: кўз туберкулёзини эрта босқичларда ташхислашда комплекс тартибда кўз ёшининг молекуляр-генетик текширувидан олинган натижа юқори диагностик аҳамиятлилиги исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлими томонидан 2023-йил 26-октябрдаги 3/5-сонли “Кўз туберкулёзини аниқлашнинг диагностик алгоритмини ишлаб чиқиш” услубий тавсиясининг мазмунига киритилган. Ушбу таклиф Тошкент вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази фаолиятига 2024-йил 12-февралдаги 20-сон буйруқ ва Наманган вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази фаолиятига 2023-йил 15-ноябрдаги 49-сон буйруқ билан жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашнинг 2025-йил 15-январдаги 11/63 – сонли йиғилиш баённомасига асосан Илмий – тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиқ қилиш бўйича хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: кўз туберкулёзини эрта аниқлаш ва даволашдан иборат бўлиб, бу таклиф қилинган кўз туберкулёзини аниқлаш дастурларининг самарадорлигини оширади. Иқтисодий самарадорлиги: кўз туберкулёзини эрта ташхислаш билан касалланган беморларни даволаш харажатларини 2,2 бараварга (касалликка ўз вақтида ташхис қўйилиб даволаш натижасида, одатда сарфланадиган 26664000 сўмлик харажатнинг, 12120000 сўмгача камайишига эришилди) иқтисод қилинади.

Кўз туберкулёзини аниқлаш жараёнида тасдиқланган ташхис алгоритмидан фойдаланиш ушбу касалликнинг асоратлари туфайли юзага келган ногиронлик ҳолатларини 2,2 бараварга камайишига олиб келади.

Диссертация тадқиқотлари доирасида ишлаб чиқилган тўртта илмий янгилик натижалари А.А. Абдисамадовни кўзнинг туберкулёз билан зарарланишини ташхислаш ёндашувларини оптималлаштиришга бағишланган бўлиб, соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2024-йил 12 декабрдаги 01-03/1082-сон хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 1 та халқаро ва 5 та республика илмий конференцияларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзусида 14 та илмий иш чоп этилган, улардан 7 таси Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган мақолалар, шу жумладан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 112 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва илмий-амалий аҳамияти асослантилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиясини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги очиб берилган, тадқиқотнинг амалий натижалари келтирилган, натижаларнинг ишончлилиги асослантилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, эълон қилиш даражаси кўрсатилган, ҳамда нашр этилган ишлар ҳақида, диссертация тузилиши тўғрисида.

Диссертациянинг биринчи бобида. **“Кўз туберкулёзи диагностикасининг долзарблигини ўрганиш”** - бу эпидемиология, патогенезнинг ўзига хос хусусиятлари, кўз туберкулёзининг пайдо бўлиши ва узоқ муддатли оқибатлари масалаларини кўриб чиқадиган учта бўлимни ўз ичига олган адабиётларнинг таҳлилий шарҳидан иборат. Ушбу бобда муаммонинг ҳозирги ҳолати тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, шунингдек ушбу соҳадаги халқаро тадқиқотларнинг асосий йўналишлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Клиник материал ва тадқиқот усуллариининг характеристикаси”** иккинчи бобида қўйилган мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлайдиган методологик ёндашув ва методларни ўз ичига олган тадқиқот лойиҳаси батафсил ёритилган. Тадқиқот кўз туберкулёзи билан оғриган 145 беморни кенг қамровли клиник, лаборатория ва инструментал текшириш маълумотларига асосланган. Назорат гуруҳи 30 нафар амалда соғлом одамлардан иборат

Асосий гуруҳни академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг ўпкадан ташқари туберкулёз бўлимида 2012–2021-йилларда кўриқдан ўтган ва даволанган 130 нафар бемор (180 кўз) ташкил этди. Бундан ташқари, тадқиқотда 15 нафар (15 та кўз) кўз туберкулёзи билан оғриган бемор иштирок этди. Ушбу кичик гуруҳдаги беморларга туберкулёз ташхиси гистологик усулда тасдиқланган бўлиб, бу патологик жараёни юқори аниқликда тавсифлаш имконини беради. Назорат гуруҳи туберкулёз белгилари бўлмаган 30 нафар амалий соғлом инсондан (60 кўз) иборат. Ушбу гуруҳ тадқиқот давомида олинган асосий кўрсаткичларни солиштириш ва кўз туберкулёзи билан касалланган беморларга хос омилларни таҳлил қилиш учун тузилган.

Бизнинг тадқиқотимиз ретроспектив-проспектив дизайнга эга бўлиб, кенг вақт оралиғини ўз ичига олади ва беморларнинг аҳволини кўп қиррали баҳолашга, шу жумладан клиник кўринишларни, лаборатория маълумотларни ва инструментал ташхислаш натижаларини таҳлил қилишга асосланади, бу бизга кўз туберкулёзини ташхислаш ва даволашда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш учун ишончли маълумотларни олиш имконини беради.

Беморларнинг тадқиқот гуруҳи турли хил ижтимоий-демографик хусусиятлар билан ажралиб туради, бу кўз туберкулёзининг ривожланиши ва кечишига бир қатор омиллар таъсирини ҳисобга олиш имконини берди. Тадқиқотга киритилган беморларнинг аксарияти қишлоқ жойларда яшаган - 87 (67%) бемор. Шаҳар аҳолиси сезиларли даражада камроқ бўлиб, 43 нафар (33%) беморни ташкил этди. Ушбу маълумотлар республиканинг турли ҳудудларида эпидемиологик вазиятнинг ўзига хослигини ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг қай даражада мавжудлигини акс эттиради.

Текширувдан ўтган беморлар орасида аёллар 78 (60%), эркаклар улуши эса 52 (40%) нафарни ташкил этди.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) таснифига кўра, беморларнинг ёш гуруҳларига бўлиниши 1-жадвалда кўрсатилган тузилишга эга.

1-жадвал

Беморларни ёш гуруҳлари бўйича тақсимлаш, n=130

Ёш гуруҳи	Беморлар сони		Ўртача ёш, йиллар
	Абс.	%	
Ёшлик даври 18 ёшдан 44 ёшгача	81	62,3	29,5±0,4
Ўртача ёш 45 ёшдан 59 ёшгача	37	28,4	50,5±0,3
Кексалик 60 ёшдан 74 ёшгача	12	9,3	71,1±0,2

Беморларнинг ёши 18 ёшдан 74 ёшгача бўлган кенг тарқалган бўлиб, бу касалликнинг сезиларли ёш оралиғини кўрсатади. Ўртача ёши 47,5 ± 6,3 ёшни ташкил этди, бу ўрта ва катта ёшдаги одамларнинг кўриш органларининг сил касаллигига энг заиф эканлигини кўрсатади. Беморларнинг энг кам сони 60 дан 74 ёшгача бўлган кексалар гуруҳида - 12 (9,3%) бемор.

Кўзнинг туберкулёзини ташхислашда кенг қамровли текширув қуйидагиларни ўз ичига олади: анамнез ва шикоятларни тўплаш, кўзнинг

ташқи текшируви, визиометрия, офтальмоскопия, биомикроскопия. Лаборатория текширувларида қоннинг умумий таҳлили, сийдикнинг тўлик таҳлили, аланин аминотрансфераза, аспартат аминотрансфераза, қондаги умумий билирубин, мочевино ва креатинин миқдорини аниқлаш, шунингдек, коагулограмма ва иммунологик таҳлил ўтказилди. Биокимёвий қон текшируви стандарт реактивлар тўпламига эга KONE анализатори ёрдамида амалга оширилди. Беморларга Манту тести, Диаскинтест, реал вақтда ПЗР ва QuantiFERON тести ҳам ўтказилди.

Кўз туберкулёзи ташхисини текшириш қуйидагиларга асосланади:

Анамнез ва шикоятларни тўплаш. Анамнезни йиғишда биз ҳисобга олдик: беморнинг ёши, бир томонлама ёки икки томонлама жараён, симптомларнинг пайдо бўлиш вақти ва уларнинг пайдо бўлиш сабаби. Сил касаллиги ва/ёки илгари сил касали бўлган беморлар билан алоқа ўрганилди.

Кўзларнинг ташқи текшируви. Кўпгина ҳолларда, кўриш органининг туберкулёз касаллиги, қон томирли қаватида энг кенг тарқалган бўлиб, турли соҳаларда локализация қилиниши ва кўз олмасининг бошқа қаватларига, масалан, тўр парда, шох парда, склера ва бошқаларга тарқалиши мумкин.

Визометрия. Кўриш ўткирлиги С.С.Головин ва Д.А. Сивцев стандарт усул ёрдамида, коррекциясиз ва оптимал коррекция билан баҳоланди.

Беморларнинг биринчи текширувида кўриш ўткирлиги даражаси ҳархиллиги билан ажралиб турарди. 71,2% ҳолларда кўришнинг пасайиши 0,4 дан юзга яқин қўл ҳаракати ҳиссигача, кўришнинг йўқлигидан (0-нол) тўғри ёруғлик идрокига қадар 9,1% ҳолларда ва 20,7% ҳолларда кўриш ўткирлиги 0,4 дан нормал (1,0) кўришгача кузатилди.

Кўз олмасининг биомикроскопик текшируви Германиянинг Carl Zeiss компанияси томонидан ишлаб чиқарилган SL -105 тирқишли чироқ ёрдамида амалга оширилди. Тадқиқот давомида шох парда, кўзнинг ташқи қобиғи (склера), конъюнктива, рангдор парда, гавҳарлар (жумладан, лойқаланиш)даги патологик ўзгаришлар, шунингдек, кўзнинг қон томир тизими ва оптик асаб тузилишидаги бузилишлар аниқланди.

Офтальмоскопия уч ойнали Голдман линзалари ёрдамида SL -105 (Carl Zeiss, Германия) ёриқ чироқни 16 марта катталаштиришда амалга оширилди. Тўғридан-тўғри офтальмоскопия WelchAllyn (АҚШ) қўл офтальмоскопи ёрдамида максимал мидриаз шароитида амалга оширилди. Кўз тубини текширишда кўрув нерви дискини, ретинал нерв толаларини ва бошқа структуравий элементларни тавсифловчи бир қатор параметрлар баҳоланди. Ушбу параметрларга қуйидагилар киради: ҳажми, шакли, баландлиги, ранги, бир хиллиги ва кўз туби элементларининг тўғри жойлашиши.

Иммунологик усуллар

Кўриш органининг сил касаллигига шубҳа қилинган 130 беморда иммунологик тестлар натижалари (193 та тадқиқот) таҳлил қилинди. Маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

Тадқиқотга кўра, ўтказилган барча тестлар орасида ижобий реакцияларнинг юқори фоизи (79,7%) кўз туберкулёзига шубҳа қилинган

беморларнинг муҳим қисмида иммунологик усуллар умуман организмнинг туберкулёз микобактерияларига сезгирлигини аниқлайди.

Шу билан бирга, 20,3% салбий натижаларнинг мавжудлиги салбий иммунологик тест кўзнинг шикастланишининг туберкулёз этиологиясини истисно қилмаслигини ва кейинги кенг қамровли текширувни талаб қилишини таъкидлайди.

2-жадвал

Кўз туберкулёзига чалинган беморларда иммунологик тестлар натижалари (n=130).

Махсус тестлар	Беморлар сони	Мусбат реакция	%	Манфий реакция	%
2TE Манту синамаси	102	93	91,1	9	8,9
Диаскинтест	22	11	50	11	50
QuantiFERON Gold-TB тести	19	12	63,1	7	36,9
ПЗР (кўз ёши таҳлили)	50	38	76	12	24
Жами	193	154	79,7	39	20,3

Манту 2 ТЕ иммунологик диагностика усули ёрдамида 102 та тадқиқот ўтказилди.

Ижобий натижаларнинг юқори фоизи (91,1%) олинди. Бу беморларнинг ушбу гуруҳида *Mycobacterium tuberculosis* инфекциясини аниқлашда Манту тестининг юқори сезувчанлигини кўрсатиши мумкин. Аммо шуни эсда тутиш керакки, Мантунинг ижобий реакцияси нафақат фаол сил касаллиги, балки илгари касалланган инфекция ёки БЦЖ эмлаш билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Салбий натижалар улуши 8,9% ни ташкил этади, бу тестнинг паст ўзига хослигини кўрсатади.

Диаскинтест иммунологик диагностика усули ёрдамида ўтказилган тадқиқотлар сони 22 та ҳолатни ташкил этди. Ижобий ва салбий натижалар нисбати 50%/50% деб баҳоланди. Бу Диаскинтестнинг Манту тести билан солиштирганда юқори ўзига хослигини кўрсатиши мумкин, чунки у БЦЖ вакцина штаммида ва туберкулёз бўлмаган микобактерияларнинг кўпчилигида мавжуд бўлмаган *Mycobacterium tuberculosis*нинг ўзига хос антигенларига таъсир қилади.


QuantiFERON Gold-TB тест диагностика усули ёрдамида 19 та тадқиқот ўтказилди. Ижобий натижалар улуши 63,1% ни ташкил этади, бу Манту тестидан паст, аммо бу намунадаги Диаскинтестдан юқори. QuantiFERON Gold-TB тести ҳам Манту тестига қараганда юқори ўзига хосликка эга, чунки у ўзига хос сил антигенларига жавобан интерферон-гамма чиқаришга асосланган.

Реал вақт режимида ПЗР молекуляр генетик диагностика усулидан фойдаланган ҳолда (кўз ёши суюқлиги сил касаллиги учун синовдан ўтказилди) 50 та тадқиқот ўтказилди, улардан 76% ҳолларда ижобий натижага

эришилди. Кўз ёши суюқлигида *Mycobacterium tuberculosis* ДНК нинг аниқланиши жараён учоғида патоген мавжудлигининг бевосита кўрсаткичидир. Бироқ, салбий ПЗР натижаси сил касаллигини истисно қилмайди, чунки бактериялар паст концентрацияларда ёки кўзнинг бошқа тўқималарида локализация қилиниши мумкин.

Тақдим этилган маълумотлар кўриш органининг сил касаллигини ҳар томонлама ташхислашда иммунологик тадқиқотларни киритиш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди. Натижаларни кенгроқ таҳлил қилиш ҳар бир усулнинг имкониятлари ва чекловларини яхшироқ тушуниш имконини беради ва касалликни эрта ва аниқ аниқлаш учун улардан ҳар томонлама фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди.


1-расм



А) Манту 2ТЕ синамасини бажариш. Б) гиперергик турдаги маҳаллий реакция – Манту 2ТЕ синамаси (48 соат) дан кейин 22 мм папула-везикуляр тошма.

Туберкулинли синама натижаларини баҳолашда маҳаллий ва умумий реакциялар ҳам баҳоланди. Бизнинг маълумотларимизга кўра, умумий ва маҳаллий реакциянинг комбинацияси 45% ни ташкил этди.

2-расм



А) Манту 2ТЕ синамасидан олдин. Б) Манту 2ТЕ синамаси (48 соат) дан кейин кўздаги мусбат ўчоқли реакция

Материалга статистик ишлов бериш. Олинган маълумотлар статистик таҳлил қилиш учун ўрнатилган функцияларни ўз ичига олган Microsoft Office Excel 2016 стандарт офис тўпламидан фойдаланган ҳолда статистик усуллар ёрдамида қайта ишланди. Вариацион статистика усуллари, шу жумладан арифметик ўртача (M), standart оғиш (σ), ўртача standart хато (m) ва нисбий кийматларни (частота, %) ҳисоблаш усуллари қўлланилди. Шунингдек, ўртача кийматлар ўртасидаги фарқларнинг статистик аҳамияти Стъюдентнинг (t) мезони ёрдамида аниқланди. Умумий дисперсияларнинг тақсимланишининг нормаллиги ва тенглигини текшириш учун мос равишда эксцесс мезони ва

Фишер мезони қўлланилди. Статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар $P < 0,05$ ишончлилик даражаси билан ҳисобланди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Ўзбекистон Республикасида кўз туберкулёзини зарарланган органлар ва тизимларнинг ўпкадан ташқари шакллари орасида аниқлаш натижалари**” кўз туберкулёзини аниқлашда диагностик ёндашувларнинг аҳамиятига баҳо беради. Олти йиллик давр учун ҳисобот маълумотларини таҳлил қилганда, кўз туберкулёзи ўпкадан ташқари туберкулёзнинг шакллари таркибида тўртинчи ўринни эгаллаши аниқланди. Тадқиқот натижаларига кўра, касалликнинг янги ташхис қўйилган ўпкадан ташқари ҳолатлари орасида кўз туберкулёзи улуши пасайиш тенденциясига эга. 2014-йилда бу кўрсаткич 2,8%, 2015-йилда – 2,5%, 2016-йилда – 3,2%, 2017-йилда – 2,8%, 2018-йилда – 1,7%, 2019-йилда – 1,3%ни ташкил қилган. Белгиланган даврда кўз туберкулёзи билан касалланишнинг ўртача йиллик даражаси 2,4% ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасида олти йиллик даврда кўз туберкулёзи билан касалланишнинг минтақавий динамикасини таҳлил қилиш омилларнинг комбинацияси туфайли сезиларли ҳудудий фарқларни аниқлади.

Тошкент вилояти (15,1%): Тошкент вилоятида кўз туберкулёзи билан касалланиш даражаси республика бўйича ўртача кўрсаткичдан сезиларли даражада юқори, бу алоҳида эътиборни талаб қилади. Бу факт офтальмофтизиатрия соҳасида мутахассиснинг мавжудлиги, тиббий ёрдамнинг мавжудлиги ва диагностика тадбирларининг сифати билан боғлиқ.

Тошкент шаҳри (7,7%): Тошкент шаҳрида ҳам касалланиш даражаси юқори, аммо бу Тошкент вилоятидагидан паст. Урбанизация, аҳолининг юқори зичлиги, малакали тиббиёт ходимларининг мавжудлиги ва силга қарши ёрдамни ташкил этиш каби омиллар бу тенденцияни тушунтириши мумкин.

Ўртача кўрсаткичларга эга бўлган вилоятлар (Хоразм, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари): ушбу вилоятларда касалланиш даражаси 3,5 фоиздан 1,7 фоизгача, паст бўлган вилоятларда (Қашқадарё вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Наманган, Андижон, Самарқанд, Навоий вилоятларида 1 фоиздан 1 фоизгача): 0,5%. Касалликнинг паст даражаси ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларига киришнинг чекланганлиги ва малакали офтальмологнинг етишмаслиги билан боғлиқ бўлиб, бу касалликни аниқлашнинг пасайишига олиб келади. Аҳолининг кўз туберкулёзи белгилари ва тиббий ёрдамга ўз вақтида мурожаат қилиш муҳимлиги ҳақида хабардорлик даражаси минтақага қараб фарқ қилиши мумкин. Қишлоқ ва чекка ҳудудларда ихтисослаштирилган тиббий хизматлардан фойдаланиш қийин. Бирламчи тиббий ёрдам ва ихтисослаштирилган марказлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг самарадорлиги ҳам турлича бўлиши мумкин.

Ушбу тенденция офтальмологларнинг кўз сил касаллигига нисбатан хушёрлигининг пасайиши, шунингдек, чекка ҳудудларда фтизофтальмологларнинг йўқлигидан далолат беради.

Кўз туберкулёзининг клиник кечишини умумий хусусиятлари

Кўз туберкулёзи - *Mycobacterium tuberculosis* томонидан кўзғатилиб ва кўзнинг турли тузилмаларининг шикастланиши билан тавсифланган ўзига хос юқумли касаллик. Ушбу патологик жараённинг клиник кўриниши патологик жараённинг локализацияси ва беморнинг иммунитет тизимининг ҳолати билан белгиланадиган бир қатор хусусиятларга эга.

Бизнинг тадқиқотимизда беморлар қуйидаги шикаятлар ҳақида хабар беришди (кўзнинг ёт жисми ҳис қилиш ёки ачишиш ҳисси, блефароспазм, фотофобия, кўз ёшланиши, кўз тўқималарининг қизариши, кўз тўқималарининг шишиши, кўздан йиринг ёки шиллик кўринишдаги патологик оқинди, кўриш кескинлигининг пасайиши, катаракта, туман, ўртача вазн йўқотиши, умумий ҳолсизлик), бу 65,5% ҳолларда кузатилди.

Кўздан кечирилган беморларнинг тез-тез шикаятлари 70% кўзда ёт жисм ёки ачишиш ҳисси шаклида оғриқни, 54,6% блефароспазмни, 68,4% фотофобияни, 70% ҳолларда кўз ёшланиши, 83% ҳолларда кўз тўқималарининг гиперемиясини, кўз тўқималарининг шиш ҳиссини, 46% ҳолларда кўз тўқималарининг шишишини қайд этди, йиринг ёки шиллик ажралишини 13%, кўриш кескинлигининг пасайиши 96% ҳолларда, оптик муҳитнинг лойқаланиши (катаракта, туман, сузувчи хиралик ва бошқалар) 60,7% ҳолларда, умумий заифлик шикаятлари 99%, вазн йўқотиш 0,7% ҳолларда кузатилди.

Олдинги увеит кўз пардаси ва цилиар танасининг яллиғланиши билан тавсифланади, бу гиперемия 83%, шиш 46%, кўз қирраси ранги ўзгариши 9,2%, шох парданинг орқа юзасида чўкмаларнинг (36,1%) пайдо бўлишига олиб келади. Туберкулёз хориоидит кўзнинг қон томир мембранасининг яллиғланиши билан кечади, у 60,7% гиперемия зонаси билан ўралган кўз тубида бир нечта оқ ўчоқлар (лойқаланишлар) кўринишида намоён бўлиши мумкин.

Таблица 3

Кўз тўқималаридаги патологик ўзгаришлар (n=180)										
Йирингли ажралмалар	Шиллиқли ажралмалар	Преципитатлар	Синехиялар	Гранулёмалар	Бельмо(оқариш)	Гипопион	Гифема	Тур парлага қон қуйилиши	Деструкция	Дистрофия
12	3	47	46	15	86	3	1	1	12	12
9,2%	2,3%	36,1%	35,3%	11,5%	66,1%	2,3%	0,7%	0,7%	9,2%	9,2%

Кўз туберкулёзининг клиник кўринишида туберкулёз кератити алоҳида эътиборга лойиқдир, чунки у шох парданинг яхлитлигига жиддий таҳдид солади. Туберкулёз жараёни туфайли 66,1% лойқаланиш (бельмо), шох парда яраси ва энг оғир ҳолатларда шох парданинг тешилиши кўриш функцияларининг қайтарилмас бузилишига олиб келиши мумкин. Тақдим этилган маълумотлар кўз туберкулёзининг кўриш ўткирлигига сезиларли таъсирини тасдиқлайди, чунки текширилган беморларнинг 96% кўриш ўткирлиги пасайган (4-жадвал). Дастлабки текширув вақтида кўриш

Ўткирлигини таҳлил қилиш ушбу кўрсаткичнинг сезиларли гетерогенлигини аниқлади. Беморларнинг энг катта қисми (71,2%) кўриш ўткирлигининг 0,4 дан юз яқинидаги қўл ҳаракатини идрок этиш даражасигача пасайишини кўрсатди, бу марказий кўришнинг сезиларли даражада бузилганлигини кўрсатади.

Беморларнинг бирламчи мурожаатидаги кўриш ўткирлигининг даражалари. 4 жадвал

Кўриш ўткирлиги	Абс. к.	%
0,7 дан 1,0 гача	14	10,7±0,27
0,4 дан 0,7 гача	13	10±0,26
0,1 дан 0,4 гача	37	28,4±0,39
0,04 дан 0,1 гача	27	20,3±0,35
Юз яқинидаги қўл ҳаракатини идрок этишдан 0,04 гача	30	23±0,36
Туғри ёруғлик ҳисси	4	3±0,15
Ёруғликни нотуғри қабул қилиш	3	2,3±0,13
(ноль) кўриш йўқ	3	2,3±0,13

Беморларнинг 7,6%да кўриш ўткирлиги жуда паст, шу жумладан кўришнинг йўқлиги ёки фақат ёруғлик ҳисси қайд этилган, бу кўриш органининг жиддий шикастланишини кўрсатади. Шу билан бирга, беморларнинг 20,3%да кўриш ўткирлиги 0,4 дан нормал қийматларга (1,0) ўзгариб туради, бу касалликнинг турли босқичларини ёки марказий кўриш билан бевосита боғлиқ бўлмаган кўзнинг бошқа тузилмаларининг шикастланишини акс эттириши мумкин. Кўриш ўткирлигининг сезиларли даражада пасайган беморларнинг фоизи касалликни эрта аниқлаш ва кўриш органининг яхлитлигини сақлаш ва кўриш функцияларини тиклашга қаратилган маҳаллий даволаш билан биргаликда туберкулёзга қарши махсус терапияни тайинлаш муҳимлигини кўрсатади. Кўз туберкулёзида кўриш ўткирлигининг пасайишига таъсир қилувчи омилларни кейинги ўрганилиши, беморларнинг ушбу тоифаси учун янада самарали даволаш ва реабилитация стратегияларини ишлаб чиқишга ёрдам бериши мумкин.

Кўриш органдаги туберкулёз жараёнининг локализациясини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, кўп ҳолларда (53,8%) жараён кўзнинг олд қисмидаги тўқималарга таъсир қилади. Тарқалиши бўйича иккинчи ўринда кўзнинг орқа сегментидаги тўқималарнинг шикастланиши бўлиб, ҳолатларнинг 44,8% ни ташкил қилди. Кўз ёндош тўқималарининг зарарланиши фақат 1,4% ҳолларда аниқланди. Кўзнинг олдинги қисмида туберкулёз касаллигининг локализациясининг устунлиги микобактериялар туберкулёзининг гематоген тарқалишининг хусусиятлари ёки патогеннинг кўзнинг айрим тўқималарига тропизми билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Анализ қилинган беморлар гуруҳи орасида кўз туберкулёзининг турли нозологик шакллари таҳлил қилиш (5-жадвал) кўрсатадики, энг кенг тарқалган нозологик шакл туберкулёз кератоконъюнктивити 37 беморда ташхис қўйилган бўлиб, бу умумий ҳолатларнинг 28,5% ни ташкил қилади ва 70% ҳолларда ачишиш ҳисси, бегона жисмнинг сезувчанлиги ҳисси билан тавсифланади. 68,4% ҳолларда ёруғликдан кўрқиб ва кўз ёшланиши билан, гиперемия беморларнинг 83% да қайд этилган. Беморларнинг ушбу гуруҳида

шоҳ парданинг хиралашиши кўринишидаги асоратлар қайд этилган, бу 66,1% долларда шоҳ парда оқаришига олиб келган ва 96% ҳолларда кўриш ўткирлигининг пасайиши билан бирга келган.

5 жадвал

Кўз олмаси тўқималарининг туберкулёз билан зарарланиши (n-130).

Нозология	Абс.	%
Қовоқлар ва ёндош тўқималар ТБ	1	0,7±0,07
Конъюнктива ТБ	1	0,7±0,07
ТБ кератоконъюнктивит	37	28,5±0,39
ТБ кератит	5	3,9±0,16
ТБ кератоувеит	24	18,5±0,34
ТБ увеит	26	20±0,35
ТБ хориоретинит	12	9,3±0,25
ТБ нейроретинит	2	1,5±0,10
ТБ нейроувеит	4	3,0±0,15
ТБ склерит	11	8,5±0,24
ТБ кератосклерит	6	4,7±0,18
ТБ эндофталмит, панофталмит	1	0,7±0,07

